

МУХАМЕДОВ Нематулло

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси мудири, тарих фанлари доктори,
доцент
n.mukhamedov@iiaau.uz

ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ АБДУРАХМОН ЖОМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ЗИКРИДА

ХОДЖА АХРАР ВАЛИ В УПОМИНАНИЯХ АБДУРАХМАНА ДЖАМИ И АЛИШЕРА НАВОИ

KHOJA AHRAR VALI IN THE MENTIONS OF ABDURAKHMAN JAMI AND ALISHER NAVOI

Аннотация: Ушбу мақолада нақшбандия тариқатининг йирик сиймоси Ходжа Убайдулло Аҳрор (1404-1491) ҳаёти, фаолияти Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий асарлари ҳамда ўрта аср манбалари асосида тадқиқ этилган. Ходжа Аҳрор нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган раҳнамоларидан бири, шунингдек, энг йирик сиёсий арбоб ва ўз даврининг энг катта бойликларидан бирининг соҳиби бўлган. Унинг номи нақшбандия тариқатининг сиёсий-иқтисодий фаолиятининг фаоллашиши ва мафкурасининг Марказий Осиё чегараларидан ташқарига тарқалиши билан ҳамбарчас боғлиқ.

Калит сўзлар: Ходжа Убайдулло Аҳрор, Жомий, Навоий, Тошкент, Бағистон, тасаввуф, нақшбандия, тариқат, саховат, тинчлик ва тотувлик тарафдори, раҳм-шафқат.

Аннотация: Ходжа Ахрар выделяется среди лидеров суфийского тариката нақшбандия как влиятельный политический деятель и обладатель значительного состояния. Его имя связано с активизацией политической и экономической деятельности братства нақшбандия и распространением его идеологии за пределы Центральной Азии. Ходжа Ахрар получил признание не только среди правителей, но и среди известных ученых и писателей своего времени, в числе которых Ходжа Фазлуллах Абулайси, Са'диддин Кашгари, Саид Касим Анвар, Абдурахман Джами, Алишер Навои и другие. Они уважительно относились к Ходже Ахрару, называя его «муршиди афак» (по выражению Алишера Навои) и посвящая ему

свои творения. В данной статье анализируется деятельность Ходжи Ахрара в контексте описаний Джами и Навои на основе средневековых источников.

Ключевые слова: Ходжа Убайдулла Ахрар, Джами, Навои, мечеть, Ташкент, Бағистон, суфизм, Нақшбандия, тариқат (орден), щедрость, сторонник мира и согласия, милосердия и доброты.

Abstract: Khoja Ahrar emerges as a prominent leader within the Naqshbandi Sufi tariqa, wielding influence as a significant political figure and possessing substantial wealth. His legacy is intertwined with the augmentation of both the political and economic endeavors of the Naqshbandi fraternity, extending its ideological reach beyond the confines of Central Asia. Khoja Ahrar garnered acclaim not only from rulers but also from eminent scholars and writers of his era, such as Khoja Fazlullah Abulaisi, Sa'diddin Kashgari, Said Kasim Anwar, Abdurakhman Jami, Alisher Navoi, among others. They accorded Khoja Ahrar reverence, designating him as "Murshidi Afak" (as articulated by Alisher Navoi) and dedicating their literary compositions to his honor. This article undertakes an analysis of Khoja Ahrar's activities within the framework of descriptions provided by Jami and Navoi, drawing from medieval sources.

Key words: Khoja Ubaydullah Ahrar, Jami, Navoi, mosque, Tashkent, Bagistan, Sufism, Naqshbandiya, tariqa (order), generosity, advocate of peace and harmony, compassion, and benevolence.

КИРИШ

Ходжа Ахрор Валий XV асрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта из қолдирган, нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиси бўлган азиз сиймолардан биридир. Ўша даврнинг олиму уламолари, адиблари Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий, Саъдиддин Кошғарий, Сайид Қосим-и Анвор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар Ходжа Ахрорни «Қаъба-и мақсуд» (муродлар қаъбаси), «Муршиди офок» (ёруғлик йўлини кўрсатувчи пир, устоз) деб эътироф этганлар, унга бағишлаб, шеърлар, дostonлар, рисола ва бошқа асарлар ёзганлар.

XV асрдаги йирик тасаввуф арбобларидан бири Ходжа Убайдулло Ахрор валий – нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган муршиди бўлган. Шу билан бирга ўша давр ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотни ёритиш жараёнида ва унинг методологик асоси ҳамда концепциясини ишлаб чиқишда замонавий тарихий тадқиқот усуллари асос қилиб олинди. Жумладан, тарихийлик, тадрийжийлик, ҳаққонийлик, холислик ва илмийлик тамойиллари асосида ёндашилди. Турли манбалар, маълумотларни муомалага киритиш жараёнида улар ҳам қиёсий таҳлил этиш асосида умумлаштирилди.

НАТИЖАЛАР

Хожа Убайдулло Аҳрор валий фаолияти ҳақида Б.Валихўжаев, А.Ўринбоев, Н.Комилов, Р.Набиев, Б.Бобожонов, Р.Тиллабоев, З.Қутибоев, М.Ҳасаний, А.Жузжоний, К.Катгаев, Э.Каримов каби ўзбек тадқиқотчилари, Н.Веселовский, В.Бартольд, А.Кун, А.Хорошхин, О.Чехович, П.Вяткин, М.Бродовский ва бошқа кўплаб рус шарқшунослари илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган.

Хожа Аҳрор ҳазратлари нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, айна пайтда, ушбу тариқатнинг “Дил ба ёру, даст ба кор” (“Қалбинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”) деган пурҳикмат шиорини амалда юксак мақомга етказган шахс сифатида бутун ислом оламида шуҳрат қозонган [10:74-76].

Темурий ҳукмдорлар султон Абу Саъид мирзо ва унинг ўғли султон Аҳмад мирзолар қошида Хожа Аҳрорнинг обрў-эътибори баланд бўлиб, улар унинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлмай туриб, бирор-бир масалани ҳал қилишга шошилмас эди [13:1242]. Шунингдек, Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам унга ҳурмати юқори бўлган.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Аҳрор валийни ҳали тириклик чоғларидаёқ зикр этиб, «Хожа Убайдуллоҳнинг сўзлари шунчалик чуқур ва шунчалик буюқдирки, уларни тушуниш учун менинг фаҳмим ва идроким ожизлик қилади» [12:279], - дея бу кишининг тасаввуфда буюк эканини

таъкидлаган. Алишер Навоий ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятида Хожа Аҳрор валий тарғиб этган гўзал ахлоқий фазилатларга амал қилгани у зотнинг нақадар мўътабар инсон бўлганлигини кўрсатади.

Академик Ботурхон Валихўжаевнинг бу улуг зот фаолияти бўйича олиб борган изланишларини эътироф этишимиз лозим. Ботурхон Валихўжаев қайд этганидек, XV асрнинг йирик сиймоларидан бўлмиш Хожа Убайдуллоҳ Шоший – Хожа Аҳрори Валий нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган муршиди бўлиш билан бирга ўз замонасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаётда катта из қолдирган арбоблардандир. Бу даврда унинг шуҳрати фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хоразм, Дашти Қипчоқ, Хуросон ва Ҳиндистонгача бўлган кенг жуғрофий минтақада таралган эди. Замонасидаги темурий ҳукмдорлар Султон Абу Саъид мирзо, унинг ўғли Султон Аҳмад мирзолар қошида Хожа Аҳрорнинг обрў-эътибори шунчалик баланд эдики, улар муршидларининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлмай туриб, бирор бир масалани ҳал қилишга шошилмас эдилар. Уларгина эмас, балки Андижон ҳокими Умаршайх мирзо Хожа Аҳрорни мўтабар санарди. Хожа Аҳрор фақат ҳокимлар наздида эътиборга сазовор бўлиб қолмай, балки ўз асрининг машҳур олим ва адиблари, жумладан Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Саъиддин Қошғарий, Саид Қосим Анвор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар ҳам уни “қаъбаи мақсуд” (Абдурахмон Жомий ибораси), “муршиди офоқ” (Алишер Навоий ибораси) деб эътироф этганлар, унга бағишлаб дostonлар ва асарлар битганлар, унинг номини ҳурматлаб эслаганлар.

Нақшбандия тариқатининг буюк муршидларидан бири Хожа Аҳрор валийнинг нутқи, амру маъруфлари ва ўз ўрнида айтилган рубоийёлари одамларни ром қилар, шаръий илми фикҳ соҳасидаги ҳукмлари ҳуқуқшуносларни лол қолдирар, Қуръон тафсири ва ҳадисларга доир ривоятларга бой илми ўша давр олим ва тарихчиларини шу даражада таажжублантирар эдики, мадрасани ҳатто хатм қилмаган бу зотнинг шунчалик олимлигини кўрганлар: “Худонинг унга берган инояту карами”, деб билганлар [8:3].

Ҳазрати Хожа Аҳрор шахсиятига катта ҳурмат ва эҳтиромда бўлишган замон муаллифлари унинг таърифу тавсифларини катта кўтаринкилик билан ёзишган. Жумладан, буюк мутасаввуф олим ва шоир Мавлоно Абдурахмони Жомий ўзининг «Нафаҳотул-унс» асарида [5:364], улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида [11:153], Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айнил ҳаёт» асарида [15:291], Ҳофиз Танишнинг «Абдуллонома» асарида [17:107], Ясавия тариқатининг муршиди Олим Шайх Азизон ўзининг «Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс» асарида [14:87-88], темурий буюк шоир ва саркарда Бобур мирзонинг набираси шахзода Доро Шукуҳ ўзининг «Сафинатул-авлиё» асарида [4:80-81], Носириддин Бухорийнинг «Тухфатуз-зоъирин» асарида [2:59-60] ва бошқа муаллифлар асарларида Ҳазрати Хожанинг сифатлари ҳақида жуда кенг, ҳар томонлама сермазмун ҳамда илмий аҳамиятга молик сўзларни айтиб ўтишган.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида азиз-авлиё деб тан олинган Хожа Аҳрорнинг даража ва кароматлари ҳақида Абдурахмон Жомий унинг номига ёзган “Тухфат ул-Аҳрор” асарида шундай деган:

Зад ба жаҳон навбати шаҳаншоҳий,

Камкабаи фақр Убайдуллоҳий.

Онки зи ҳуррияти фақр огаҳ аст,

Хожаи Аҳрор, Убайдуллост.

Таржимаси:

Дунёда подшоҳлик нақорасини чалди,

Убайдуллоҳ фақрнинг шавкати.

Фақрнинг эркинлигидан хабардор бўлган кимса,

Эрклиларнинг эгаси бўлган Убайдуллоҳдир.

Яна бир китобида эса:

“Хожаи хожাগони короғоҳ,

Қиблаи муқбилон Убайдуллост”.

Таржимаси:

Хожалар корхонасининг хожаси,

Бахтлиларнинг қибласи Убайдуллоҳдир [1:47].

МУНОЗАРА

Шарқ ва Ғарб олимларининг асарлари кўздан кечирилса, унда Хожа Аҳрор тўғрисида самимият билан сўз юритилганининг гувоҳи

бўлиш мумкин. Жумладан, Афғонистоннинг таниқли олими Абдулҳай Ҳабибий ўзининг 1965 йилда эълон қилган “Жомий тариқати” номли мақоласида “Саъд Кошғарий ва Хожа Аҳрор ўз асрининг улуғ руҳий пешволари эдилар”,

-- деб уқдирса, инглиз шарқшуноси Чарлз Амброуз Стори ўзининг “Форс адабиёти” номли машҳур асарида уни “йирик валий Убайдуллоҳ Аҳрор” деса, чех олими Феликс Тауэр “Хожа Аҳрор номи билан шуҳрат қозонган туркистонлик табаррук авлиё, нақшбандия сулукининг шайхи Носируддин Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Шоший”, тарзида эҳтиром ила тилга олган [3:62].

Фахриддин Али Ибн Ҳусайн Али Воиз ал-Кошифий ас-Сафий (1463-1503) «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар») асарида хабар беришича, Хожа Аҳрорнинг катта бобоси Хожа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Ўлими яқин эканлигини ҳис қилган Хожа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини рози-ризолик сўраш учун чақиртиради. У пайтда Хожа Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирка (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келишади. Хожа Шаҳобиддин гўдак Убайдуллоҳга назари тушиб, ҳаяжонланиб, кўзлари ёшга тўлиб, боланинг пешонасига қўлларини теккизиб, шундай дейди: “Бу бола келажақда дунёни эгаллайди, шариатни таркатади, тариқатга ривож беради, ҳукмдорлар унинг айтганларини бажарадилар. Ўтган барча шайхлар кўрсата олмаган кароматларни башорат этади” [6:218-219; 7:13].

Хожа Аҳрор ҳижрий 806 йил рамазон ойида (1404 милодий йил, март) Шош – Тошкент вилояти музофотларидан бири Боғистонда дунёга келган. Унинг отаси Хожа Маҳмуд ва боболари маърифатли кишилар бўлиб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланишган. Онаси эса Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тоҳурнинг ўғлидир.

Хожа Убайдуллоҳнинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. У мактабга борган, турли китобларни мутолаа қилган ҳамда тошкентлик алломаларнинг, хусусан, Абу Бакр Қафқол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин Куйиорифонларнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиққан, уларнинг мақбараларини доимо зиёрат қилиб турган. Кейинчалик Хожа Убайдуллоҳ

бу зиёратлардан олган таассуротини шундай хикоя қилган: “Ёшлигимда ҳазрати Шайх Абу Бакр Қафғолнинг нурли мазорини зиёрат қилаётганимда ҳазрати Исони туш кўрдим. У ҳазрат менга илтифот қилиб, шундай дедилар: ғам ема, сенинг тарбиянгни биз ўз зиммамизга олганмиз. Ҳазрати Исо каминани ўз тарбиятлари остига олганликлари туфайли бу фақирда ўлган қалбларни тирилтириш сифати аён бўлди...” [3:63-64; 15:291; 7:14; 16:197].

Хожа Аҳрорнинг валийлигини белгилаб, унинг Хожа Аҳрори Валий деб аталишига боис бўлган бу сифатларни Абдурахмон Жомий таъкидлаб ўтган эди:

*Зада ашоби Хожаси ҳалқа ба ҳам,
Чун нигинанд ҳалқа дар хотам
Хаббазо, ҳалқае, ки фавҷи малак
Ҳалқа дар ғўши он аст авҷи фалак.
Филмасал, гар ҳазор дил мурда,
Аз ҳавои нафс афсурда
Бизарад аз ҳарими маҳфилашон
Зинда гардад зи мурдагӣ дилашон.
Ёди вақте, ки вақти ман хуш буд,
Давлатам сўяшон инонкаш буд.
Гирдашон гаштаме ва ҳар рӯза
Кардаме қатра-қатра дарюза.*

Мазмуни: Хожа ва унинг суҳбатдошлари узук ва унга қадалган кўзга ўхшайдилар, гўё маликалар йиғинида фалак хизматларига бел боғлаб тургандек. Агар нафсга берилиш туфайли кўнгли ўлик мингта киши бу манзил яқинидан ўтса, уларнинг кўнгиллари тирилади. Мен ул ҳазратнинг хизматида бўлган бахтли дамларни ҳар вақт эслайман, чунки мен ул киши атрофида, парвонадек айланиб, ҳар куни уларнинг сифатларидан қатра-қатра баҳраманд бўлардим.

Демак, Хожа Аҳрор “нафсга берилиш туфайли ўлган қалбларни тирилтирувчи” сифатига эга бўлар экан, кишиларнинг нафсга, мол-мулкка, бойликка ва амалга берилиш натижасида маънавий жиҳатдан қашшоқланиши, кўнглининг ўлишини назарда тутиб, уларни ана шу ҳолатдан халос қилиш – маънавий жиҳатдан камолга эриштиришни, Ҳақ таолони кўнглида жо қилиб, ярамас ўй-хаёллардан қутилиш ва олижаноб ниятлар манзилгоҳига айлантириб, инсонларда инсонийликни тирилтириш – уйғотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Абдурахмон Жомийнинг Хожа Аҳрор билан муносабатлари тўғрисида проф. Аълохон Афсаҳзод ва проф. А.Н. Болдырев тадқиқотларида муҳим тарихий маълумотлар ўз ифодасини топган.

Абдурахмон Жомий ўзининг “Силсилат уз-заҳаб” (“Олтин занжир), “Тухфат ул-Аҳрор” (“Аҳрорга тухфа”), “Хирадномаи Искандарий”, “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларида Хожа Аҳрор ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган. Ҳатто, 1484 йил декабр ойида, яъни Хожа Аҳрор ҳаётлиги вақтида унга қарата шундай деди:

Ба ту шамъи равшандилон зинда бод!

Бар офоқ нури ту тобанда бод!

Мазмуни:

Сенинг-ла кўнгли ёруғ кишиларнинг шамъи ҳамиша порласин!

Бутун офоқ — дунёда сенинг нуринг порласин!

Алишер Навоий Хожа Аҳрорни ўзининг маънавий устози – пири комил сифатида эҳтиром қилган. Унинг руҳий-маърифий ўғитларидан илҳомланиб, бу зотга нисбатан ўзининг чексиз ҳурмати ва ҳайратини “Ҳайрат ул-аҳрор” дostonининг қуйидаги мисраларида баён этган:

Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,

Тоқ неким муришиди офоқ эрур.

Хожа Аҳрорнинг ўз замондошларига ёзган бир неча руқъа-номалари ҳам бизгача етиб келган Улардан энг муҳими, «Мажмуаи мурасалот» деб номланган. Тўплам Алишер Навоий буйруғи билан тузилган ва шунинг учун «Навоий тўплами» ҳам деб аталади. Хожа Аҳрор ўзининг мактубларида халқнинг ғамини ейиш, оддий инсонларнинг ҳолатини чиқариш каби хайрли ва савобли ишларга ундарди. Ўз даврида Алишер Навоий сарой хизматидан воз кечмоқчи бўлганида, Хожа Аҳрор унга шу мазмунда мактуб битади: “Эшитишимча, онҳазрат, яъни султонга мулозамат қилишдан гоҳо маломат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадад етказмоқ ва бирор фақирнинг дили мушкулликдан халос топиб, шод бўлмоғи учун хотири шарифингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши ҳам мусулмонлар ғамини ейишни ўйламай қўйган бу вақтда уларга ғамхўрлик қилиш – энг хайрли ишдир!..” [9:204-208].

ХУЛОСА

Хожа Убайдулло Аҳрор Валий фаолияти қатор ўрта аср манбаларида ёритилган. Хожа Аҳрор Валий нақшбандия тариқатининг таниқли муршиди бўлиш билан бирга ўз замонасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаётда кўзга кўринган давлат ва жамоат арбобларидан бири экани манбалар асосида тадқиқ этилган.

Тадқиқотда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий асарлари Хожа Аҳрор сиймоси, ҳаёт йўли ва у ҳақда берилган тавсифлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийга ёзган мактубларида эса Хожа Аҳрор шоирларга бўлган эҳтиромини, ҳурмати уларнинг давлат аҳамиятидаги тутган ўрнини баён этади.

Умуман олганда, мактублар жуда мазмунли, ўз даврининг адабий тилида раво ва саводли тарзда ёзилган. Хожа Аҳрорнинг мактубларини илмий тадқиқ қилиш, унинг меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абу Тохирхожа. Самария. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 47.
2. Бухорий Носируддин. Тухфатуз-зоъирин. Бухоро чопхонаси, 1909. – Б. 59-60.
3. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1994. – Б. 62.
4. Доро Шукух. Сафинатул-авлиё, Лакҳнав-Ҳиндистон чопхонаси, 1900. – Б. 80-81.
5. Жомий, Абдурахмон. Нафаҳот ул-унс. Лакҳнав-Ҳиндистон нашри, 1910. – 364 б.
6. Рашаҳот. Лакҳнав нашри. – Б. 218-219.
7. Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. – Т.: Маънавият, 2003. – Б.13.
8. Каттаев К. “Тулистон” журнали. № 3, 1991 йил март.
9. Маънавият юлдузлари. Хожа Аҳрор /А.Ўринбоев. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б.204 – 208.
10. Mukhamedov, N., & Alidjanova, L. (2020). The role of Khodja Akhrar in socialspiritual Life of Central Asia. American Journal of Research_ https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/06/2020_5_6_AJR_10.pdf. P.74-76.
11. Навоий, Алишер. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1961. – Б.153.
12. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами, 17-том. – Т., 2001. – Б. 279.
13. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI : [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
14. Олимшайх Азизон. Ламаҳот. Т., Ғулом Хусайн чопхонаси, 1327/1908. Б. 87-88.
15. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-ҳаёт. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. –Б.291.
16. Хожа Убайдуллох Аҳрор. Табаррук рисолалар / Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. – Т.:Адолат, 2004. – Б. 197.
17. Ҳофиз Таниш Бухорий. Шарафномаи шоҳи-Абдуллонома. – Т.:Фан, 1966. – 107 б.